

Муминов Нозим Гаффарович,
Ўзбекистон Миллий университети
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси
профессори, иқтисод фанлари номзоди

БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

УДК: 336.14

МУМИНОВ Н.Г. БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Мақолада бюджетлараро муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишлари таҳлил этилган. Бюджетлараро трансфертлар шакллари ҳукумат ечаётган ижтимоий-иқтисодий вазифалар, бюджет тизими таркиби, минтақавий сиёсат хусусиятларидан келиб чиқиши таъкидланган. Бюджетлараро муносабатлар шаклланиши ва ривожланиши бўйича Америка Қўшма Штатларининг тажрибаси келтирилган. Ўзбекистонда шакллантирилган яхлит бюджет тизими, унда бюджетнинг турли даражалари бюджетлари, бюджетдан маблағ олувчилар бюджетлари мужассамлашганлиги кўрсатиб берилган.

Таянч иборалар: бюджет жараёни, бюджетлараро муносабатлар, субвенция, бюджет ссудаси, трансферт, солиқ тизими.

МУМИНОВ Н.Г. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ МЕЖБЮДЖЕТНЫХ ОТНОШЕНИЙ

В статье приводится анализ направлений развития и совершенствования межбюджетных отношений. Формы межбюджетных трансфертов зависят от решаемых правительством социально-экономических задач, структуры бюджетной системы, особенностей региональной политики. Изучен опыт США по формированию и развитию межбюджетных отношений. Описана единая бюджетная система, сформированная в Узбекистане, бюджеты разных уровней, концентрация бюджетов всех бюджетополучателей.

Ключевые слова: бюджетный процесс, межбюджетные отношения, субвенции, бюджетная ссуда, дотации, трансферт, налоговая система.

MUMINOV N.G. INNOVATIVE APPROACH TO IMPROVEMENT OF INTERBUDGETARY RELATIONS

There is analyzed in the article directions of development and improvement of interbudgetary relations. The forms of inter-budget transfers depend on the socio-economic problems the government is solving, the structure of the budget system, and the characteristics of regional policy. The US experience in the formation and development of intergovernmental relations is studied. It describes a unified budget system formed in Uzbekistan, budgets of different levels, concentration of budgets of all budget recipients.

Key words: budget process, interbudgetary relations, subventions, budget loan, grants, transfer, tax system.

Кириш. Инсон томонидан узоқ давр давомида хўжалик фаолиятини ташкил этиш бўйича хатти-ҳаракатларидаги мулкый активлар, стратегик қизиқишлар, давлат ва бизнес томонидан бозорга таъсир этиш услублари ўртасидаги фарқ муҳим муаммолардан ҳисобланади. Ўз навбатида ушбу муаммо иқтисодий фанида икки катта йўналишни шаклланишига олиб келди. Классик сиёсий иқтисод тарафдорлари учун иқтисодий ўзини-ўзи бошқара олиш қобилияти муҳим эди.

Шу билан бирга, бошқа мактаб тарафдорлари, жумладан кейнсчилар, давлатни иқтисодий доимо иштирок этишини, махсус воситалар ёрдамида иқтисодий жараёнларни тартибга солиши кераклигини асослашади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Иқтисодий энг қадимги аксиомалар – бу давлатнинг фаолият юритишининг иқтисодий таъминоти, уни жамият, уй хўжаликлари ва алоҳида фуқаролар олдида ўз миссиясини ва мажбуриятларини бажариш зарурлигидир.

Давлат бюджетининг шаклланиши, унинг таркибини тасдиқлаш, даромадлар қисмини таъминлаш манбаларини, ҳамда бюджет маблағларини харажатларининг асосий моддаларини аниқлаш масалалари ҳозирги кунда ҳам долзарб ҳисобланиб бюджетни тартибга солиш ва бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш муаммоларини етакчи масала сифатида намоён қилади.

Муаммонинг қўйилиши. Давлатчиликни ривожланиши ва уни такомиллашиб борилиши асосан ушбу жараён учун сарфланаётган моддий маблағлар ҳажми ва сифатига боғлиқдир. Ушбу маблағлар асосан бюджет маблағлари ҳисобланади. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги муносабатларни такомиллашиб бориши ва “бой марказ” сиёсатидан “бой ҳудуд (халқ)” сиёсатига ўтиш - мавжуд бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг шу даврга қадар фойдаланилаётган методлардан эмас, балки янги, инновацион ёндашувни қўллашни тақозо этади. Ушбу инновацион методларни ишлаб чиқиш ва механизмини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методлари. Мақолада тадқиқот мавзусига оид назария ва таълимотларни гуруҳлаштириш, илмий тадқиқот бўйича хулосалар чиқаришда моделлаштириш, статистик таҳлил, тизимли ёндашув, прогнозлаш, умумлаштириш усуллари кенг қўлланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий мамлакатларда бюджетлараро муносабатларни ривожланиши масалалари Силуанов А.Г.¹, Савина О.Н., Паздникова Н.П., Шелестова Д.А.², Фаттиева А.Р.³, Хиви Дж.⁴, Семенко Г.В.⁵, Лавров А., Литвак Дж., Сазерленд Д.⁶, Бежаев О.Г., Зарубин А.В.⁷ ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни чуқурлашуви ва такомиллашуви Хайдаров М.⁸, Бабаджанова Л.Ш.⁹, Мусағалиев А.Ж.¹⁰, Юлдашева Н., Ҳамраева Ф.¹¹, Муминов Н.Г., Мелибаева Г.А.¹² ларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган.

¹ Силуанов А.Г. Межбюджетные отношения в условиях развития федерализма в России / Автореф. дисс. на соиск...доктора экон. наук. – М.. 2012. – С.2.

² Савина О.Н., Паздникова Н.П., Шелестова Д.А. Формирование доходной базы местных бюджетов в условиях стратегических преобразований. Региональная экономика. Юг России. ISSN 2310-1083. 2018. № 2 (20). С.129-138. DOI: <https://doi.org/10.15688/re.volsu.2018.2.15>

³ Фаттиева А.Р. Межбюджетные отношения в условиях федерализма: Учебник / Под ред. А.Р. Фаттиевой, Д.М. Гаджикурбанова. - Ижевск.: ИЖГТУ, 2012. - 144 с.

⁴ Хиви Дж. Финансы местных органов власти в США // Финансы - 2013. - №10. - с.5

⁵ Семенко Г.В. Государственное субсидирование и выравнивание местных бюджетов во Франции // Финансы - 2013. - № 4. - С.52.

⁶ Лавров А., Литвак Дж., Сазерленд Д. Реформа межбюджетных отношений в России: «федерализм, создающий рынок» // Вопросы экономики - 2012. - №4. - с.15

⁷ Бежаев О.Г., Зарубин А.В. Резервы повышения эффективности межбюджетных отношений в РФ // Финансы - 2013. - №10. - с.11.

⁸ Хайдаров М. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари // Иқтисод ва молия, 2018. № 6, 21-30 бетлар

⁹ Бабаджанова Л.Ш. Некоторые вопросы практики формирования доходов местных бюджетов в Республике Узбекистан и направления ее совершенствования // Иқтисод ва молия, 2018. № 2, 20-28 бетлар

¹⁰ Мусағалиев А.Ж. Молиявий муносабатларнинг назарий методологик жиҳатлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ҳозирги умумий ҳолати // Иқтисод ва молия, 2019. № 1, 29-37 бетлар

¹¹ Юлдашева Н., Ҳамраева Ф. Анализ этапов бюджетной политики государства по активизации деятельности местных бюджетов Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия, 2019. № 5, 33-41 бетлар

¹² Муминов Н.Г., Мелибаева Г.А. Особенности децентрализации в частном секторе: институциональный подход. В сборнике: Теоретические и практические аспекты развития науки в современном мире. Сборник статей по материалам международной научно-практической конференции. Уфа, 2019. С. 117-122.

Бюджетлараро муносабатлардаги муамоларни ечилиши асосан бир қанча тизимли омиллар ёрдамида белгиланади. Улар қаторига қуйидаги омиллар киради:

- мамлакатнинг яқин йиллардаги ва ўрта муддатли истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишлари;
- мамлакатда амалга оширилатган йирик Концепциялар ва Дастурлар;
- минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва хусусиятлари;
- амалдаги солиқ тизими, мамлакат бюджет тизими субъектлари ўртасида даромадларни тақсимланиши;
- бюджетлараро муносабатларни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида турли даражадаги бюджетларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг даромадлар қисмини зарур маблағлар билан таъминлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилган. Бу борада 2013 йилда қабул қилинган мамлакатнинг Бюджет кодекси катта аҳамият касб этади.

Кодексда бюджетлараро муносабатлар мазмунини очиб берувчи асосий тушунчалар берилган. Бюджет кодексининг 132 моддасига биноан - Бюджетлараро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар, шаҳарлар бюджетлари, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ўртасидаги ушбу Кодекс билан тегишли бюджетларга бириктирилган харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли бюджетларни молиявий ресурслар билан таъминлашга доир муносабатлардир¹.

Асосий натижалар. Бюджет жараёнида маълум бир чекловлар қонунчилик билан тақиқланганини қайд этиш зарур. Ўзбекистонда бюджет жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан;
- давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан;

- Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг бир-бири билан, шунингдек бошқа маъмурий-ҳудудий бирликнинг туманлари ва шаҳарлари бюджетлари билан;

- туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида ўзаро муносабатларига;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари дефицити.

Бюджетлараро трансфертлар шакллари келсак, бунда давлатлар ечилаётган ижтимоий-иқтисодий вазифалар, бюджет тизими таркиби, минтақавий сиёсат хусусиятларидан келиб чиқишади.

Бюджетлараро муносабатлар шаклланиши ва ривожланиши бўйича Америка Қўшма Штатларида қизиқарли тажриба тўпланган.

Федерализмнинг америкача модели субмиллий ҳокимият органларининг ҳам маҳаллий бюджетларни даромадлар қисмини шаклланиши, ҳам ўз бюджет маблағларини сарфланиши соҳасида юқори даражадаги фискал автономияси билан ажралиб туради. АҚШ Конституциясига биноан штатлар ҳокимиятлари мустақил равишда ҳар қандай солиқни киритиш ҳуқуқига эгадирлар, шу жумладан, солиқ базалари ва ставкаларини ҳам².

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, халқаро савдо солиқлари федерал ҳукумат тасарруфида қолади, мол-мулк солиғи эса штатлар ҳокимиятлари ва маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфида қолади.

Мамлакатнинг турли маъмурий-ҳудудий тузилмалари ўртасида ваколатларни чекланиши ҳақида гапирилганида маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқлари штатлар доирасида амал қилишини таъкидлаш керак. Хусусан, округлар томонидан киритилиши мумкин бўлган солиқлар ва уларнинг энг юқори ставкалари, штатлар томонидан белгиланади. Федерал ҳукумат даромадларини шаклланиши ва уларга тушумлар манбалари таркиби катта қизиқиш уйғотади. Федерал ҳукуматнинг солиқли даромадларининг асосий қисмини жисмоний ва юридик шахслар даромадларига қўлланиладиган солиқлар ташкил этади. Федерал ҳукумат компетенциясига қуйидагилар киради: мудофаага, халқаро муносабатларга, космик тадқиқотларга, ташқи ва ички савдога,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 26.12.2013 й. URL: <http://lex.uz/docs/2304138> (мурожаат вақти - 08.10.2019)

² Межбюджетные отношения: Учебное пособие / З.Х. Срождинова. – Т., 2010. – С.110-113.

почта хизматига, жамоат тартибини сақлашга ва бошқаларга харажатлар. Шу билан бирга, уй-жой қурилишида, таълимда, жамоат транспортида ва ижтимоий таъминотда бюджет тизимининг барча даражалари қатнашадилар.

Шундай қилиб, АҚШда харажатлар ваколатлари федерал ҳукумат ва штат ва округлар ҳукуматлари компетенцияларига мос равишда чеклангандир. Бунда бюджет тизимининг барча даражалари қатнашадиган харажат турлари назарда тутилади.

Ўзбекистонда бюджетлараро трансфертлар субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар, бюджет ссудаси ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ва мақсадли ижтимоий трансфертлар шаклида амалга оширилади.

Қайд этилган шакллар ичида субвенциялар алоҳида ўрин тутди. Субвенциялар асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланган харажатларни амалга ошириш учун ажратилади. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади. Бунда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Бюджетлараро муносабатларда ўтказиб бериладиган даромадлар шакли ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар ҳудудида шакллантириладиган ва юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган даромадлар улар қайси маъмурий-ҳудудий бирликда шакллантирилган бўлса, ўша маъмурий-ҳудудий бирлик бюджетига ўтказиб берилиши мумкин.

Ўтказиб берилётган даромадлар ҳажми ҳудди субвенциялар каби тартибда тасдиқланади. Юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга дотация қуйи турувчи бюджет харажатларининг режалаштирилган ҳажми, субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда - мазкур бюджет даромадларининг прогноз

қилинган ҳажмидан ошиб кетган тақдирда ажратилади. Молия йили давомида бюджет параметрлари ўзгарган ҳолда юқори ва қуйи бюджетлар ўртасида ўзаро бюджетлараро ҳисоб-китоблар қўлланилиши мумкин.

Мақсадли ижтимоий трансфертлар юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга таълим ва тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатларини қоплаш учун ажратилади.

Бюджет ссудаси шаклида бюджетлараро трансфертни бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт (бюджет ссудаси) бюджет манбаларининг тўлиқ сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопланишини таъминланмаган тақдирда, қайтариш шarti билан ва фоизсиз берилди.

Шу билан бирга яқин истиқболда мамлакат иқтисодиёти қуйидаги шарт-шароитларда ривожланишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- иқтисодий муносабатларни янада эркинлаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини босқичма-босқич пасайтириб бориш;
- иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини, биринчи навбатда, саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизациялаш;
- мамлакат солиқ тизимини тубдан ўзгартириш;
- миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини ривожлантириш;
- амалга ошириладиган ислохотларда банк тизими ролини ошириш;
- пул-кредит сиёсатида қатъий курсни давом эттириш;
- мамлакат валюта бозорини янада эркинлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- миллий иқтисодиётни шаффофлиги ва очиқлиги даражасини, Ўзбекистонни ён-атрофдаги қўшни мамлакатлар, МДХ мамлакатлари, узоқ хориж мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни ошириш;
- иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, юқори қўшилган қиймат улушига эга товарларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган (хусусан, маҳаллий хом ашёдан) замонавий

илмталаб, энергия-, ресурс тежайдиган технологияларни яратиш.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, республикада шундай яхлит бюджет тизими шакллантирилдики, унда бюджетнинг турли даражалари бюджетлари, бюджетдан маблағ олувчилар бюджетлари мужассамлашгандир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётининг замонавий хусусиятларидан, амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан, иқтисодий ўсишнинг инновацион йўлини таъ-

минлаш йўналишидан келиб чиққан янги шарт-шароитлар мамлакат бюджет тизими шаклланиши ва амал қилишига инновацион ёндашувларни, бюджетлараро муносабатларни оптималлаштиришни талаб этади.

Уларни муваффақиятли амалга оширилиши ижобий жаҳон тажрибаси ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг замонавий хусусиятларини ҳисобга олувчи илмий тадқиқотларни давом эттирилишини талаб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Силуанов А.Г. Межбюджетные отношения в условиях развития федерализма в России / Автореф. дисс. на соиск...доктора экон. наук. – М.. 2012. – С.2.
2. Савина О.Н., Паздникова Н.П., Шелестова Д.А. Формирование доходной базы местных бюджетов в условиях стратегических преобразований. Региональная экономика. Юг России. ISSN 2310-1083. 2018. № 2 (20). С.129-138. DOI: <https://doi.org/10.15688/re.volsu.2018.2.15>
3. Фаттиева А.Р. Межбюджетные отношения в условиях федерализма: Учебник / Под ред. А.Р. Фаттиевой, Д.М. Гаджикурбанова. - Ижевск.: ИжГТУ, 2012. - 144 с.
4. Хиви Дж. Финансы местных органов власти в США // Финансы - 2013. - №10. - с.5
5. Семенко Г.В. Государственное субсидирование и выравнивание местных бюджетов во Франции // Финансы - 2013. - № 4. - С.52.
6. Лавров А., Литвак Дж., Сазерленд Д. Реформа межбюджетных отношений в России: «федерализм, создающий рынок» // Вопросы экономики - 2012. - №4. - с.15
7. Бежаев О.Г., Зарубин А.В. Резервы повышения эффективности межбюджетных отношений в РФ // Финансы - 2013. - №10. - с.11.
8. Хайдаров М. Махаллий бюджетлар мустақиллигини ошириш масалалари // Иқтисод ва молия, 2018. № 6, 21-30 бетлар
9. Бабаджанова Л.Ш. Некоторые вопросы практики формирования доходов местных бюджетов в Республике Узбекистан и направления ее совершенствования // Иқтисод ва молия, 2018. № 2, 20-28 бетлар
10. Мусагалиев А.Ж. Молиявий муносабатларнинг назарий методологик жиҳатлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ҳозирги умумий ҳолати// Иқтисод ва молия, 2019. № 1, 29-37 бетлар
11. Юлдашева Н., Ҳамраева Ф. Анализ этапов бюджетной политики государства по активизации деятельности местных бюджетов Республики Узбекистан // Иқтисод ва молия, 2019. № 5, 33-41 бетлар
12. Муминов Н.Г., Мелибаева Г.А. Особенности децентрализации в частном секторе: институциональный подход. В сборнике: Теоретические и практические аспекты развития науки в современном мире. Сборник статей по материалам международной научно-практической конференции. Уфа, 2019. С. 117-122.
13. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 26.12.2013 й. URL: <http://lex.uz/docs/2304138> (мурожаат вақти - 08.10.2019)
14. Межбюджетные отношения: Учебное пособие /З.Х. Срождиддинова. – Т., 2010. – С.110-113.